

Ойларнинг саййиди - Рамазон, уларнинг ҳурмати, энг баланди зулҳижжадир



14:03 / 07.06.2024 2488

نَا هُنَّ عُهُل لَآ يَضِرُّ رِبَاجٌ نَّعَو
هُل لَآ يَلَّصِ هُل لَآ لُوسَر
لَضُفَاً لَاقَمٌ لَسَوِ هِيَلَع
يَنْعِي رُشَعُلَا أَيُّ نُدُلَا مَائِيَأُ

فِي غَض

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: **«Ойларнинг саййиди - Рамазон, уларнинг ҳурмати, энг баланди зулҳижжадир».**

Байҳақий, Баззор ва Ибн Асокир ривояти. Ривоят санади заиф.

Уламолар Рамазон ойи зулҳижжадан афзаллигини айтишган. Аслида ой ёки амаллар бир-биридан устун бўлади. Масалан, намоз рўзадан афзал. Бироқ бир кун рўза тутиш икки ракат намоздан яхшироқ.

Доримий ва Байҳақий саҳиҳ санад билан келтирган ривоятда айтилишича, Саид ибн Жубайр зулҳижжанинг ўн кунда ибодатга жидду жаҳд билан киришар, бошқа вақтда қилмаган саъй-ҳаракатини айнан шу ўн кунда қиларди.